



PROCEDURE FOR ORGANIZING INTERNAL AUDIT CHECKS IN COMMERCIAL BANKS

Ismailov Azizbek Madaminovich

Independent researcher

Abstract: Before starting the audit, the relevant questions for the audit should be determined. These questions are drawn up by the agreement of the parties and may reflect all aspects of the bank's activities or individual sections.

Key words: accounting, banking, Auditor.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Исмаилов Азизбек Мадаминович

Мустақил изланувчи

Аннотация: Аудиторлик текширувини бошлашдан олдин текшириш учун тегишли саволлар аниқлаб олинishi лозим. Бу саволлар томонлар келишуви билан тузилади ва банк фаолиятининг ҳамма томонларини ёки алохида булимларини ўзида акс эттириши мумкин.

Калит сўзлар: бухгалтерия ҳисоби, банк фаолияти, Аудитор.

Банкларда аудиторлик текширувини бошлашда қуйидаги маълумотлар билан танишиш лозим: банк фаолиятининг ҳажми, ташкилотчилик раҳбарларнинг малака даражаси, умумий ички назоратнинг ташкил этилиши ва хоказолар. Шундан сўнг аудиторлик текшируви жараёнида хатолар мавжуд булиши кўриб чиқилади.

Ички аудит - ички назорат тизими ва банкнинг хавфсизлик тизимини таъминлаш мақсадида олиб борилади. Банк фаолиятида омонатчилар манфаатларини химоя қилиш ва аниқ натижаларга эришиш мақсадида ички назорат тизими жорий этилади. Ички назорат тизими банкнинг иш режаси, усули ва жараёнлари, фойданинг кўпайиши ҳамда банк раҳбарияти топшириқларининг аниқ бажарилишини таъминлашни уз ичига олади. Ички аудит банк таркибининг ташкилотчилик булинмаси сифатида тан олинган булиб, банк раҳбариятига буйсунади. Ички аудитнинг вазифаси турлича булиши мумкин: бухгалтерия ҳисобини тўғри олиб боришни текшириш; банк даромадлари ва харажатлари ҳисобининг тўғри олиб борилишини назорат қилиш (фойдани тўғри ҳисоблаш, харажатларни уз вақтида ҳисобларда акс эттириш ва бошқалар); бошқа муомалаларнинг қонуний бажарилишини назорат қилиш ва бошқалар. Ички аудитни ташкил этиш ва ўтказиш учун услубий топшириқномалар ёки йуриқномалар ишлаб чиқиши тавсия этилади. Ушбу йуриқномалар керакли иш объектларида нималарни назорат қилишни аниқлаб беради. Ички аудит йиллик режа асосида олиб борилади. Текширувни ташкил этиш ва ўтказишда ички аудит бошлиги тула жавобгарликни уз буйнига олади. Ички аудит бошқарув назорат тизимининг бир қисми сифатида қаралади. Ички назоратнинг хусусияти тарихан ўзгарган булиб, аввал аудитнинг роли молиявий бошқарув ва активлар хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди. Назорат



қийинлашган шароитда ички назорат тизимининг циклик бажарилиш жараёни аста-секинлик билан ривожланиб борди. Ички аудит давлат ва хусусий сектор шаклида фаолият юритади. Ички аудитнинг вазифаси - ходимларнинг уз вазифаларини имкон қадар сифатли ва самарали бажаришларига ёрдам беришдир. Ички аудитор бухгалтерия маълумотлари тўғрилигини текширади. Ички аудиторлар раҳбарият олдида ҳисобот беради ва аудиторлар кумитаси билан тўғри алоқада бўлади.

1-жадвал

Банк баланси моддаларининг муҳимлик даражаси¹

Актив		Пассив	
Модда номи	Муҳимлик даражаси %	Модда номи	Муҳимлик даражаси %
Пул маблағлари	0,01	Капитал ва фондлар	0,5
Корреспондентлик ҳисобварақлари	0,01	Қарз бўйича йўқотишлар учун заҳиралар	1,5
Банк мулки	1,98	Қимматли қоғозлар баҳосини камайтириш учун заҳиралар	1
Кредит ресурслари бўйича тўланган фоизлар	1	Кредитлар бўйича даромадлар	0,5
Қимматли қоғозлар билан муомалалар бўйича ҳаражатлар	1	Қиммат қоғозлар бўйича даромадлар	0,5
Келгуси давр ҳаражатлари	1,5	Келгуси давр даромадлари	2
Бошқа ҳаражатлар	1,5	Бошқа даромадлар	2
Фойдадан фойдаланиш	1	Ҳисоблашишдаги маблағлар	1
Банк томонидан берилган кредитлар	1	Мижозлар ҳисобварақларидаги маблағлар	0,2
Банк томонидан сотиб	0,5	Депозитлар	0,2



олинган қимматли қоғозлар			
Даромад келтирувчи бошқа активлар	0,5	Банкларо кредитлар	0,6
Жами	10	Жами	10

Банк тизимидаги ислохотларнинг чуқурлашуви молиявий ресурсларни оқилона бошқариш усуллари ва воситаларидан кенгроқ фойдаланиш, тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштиришда эса бевосита ва билвосита назорат воситаларини кенг қўллашни тоқоза этади. Шу боис Марказий банк тижорат банклари ва уларнинг филиаллари молиявий-хўжалик фаолиятини вақти-вақти билан мунтазам назорат қилиб туришга катта эътибор қаратмоқда. Дунё банкчилик тажрибаси кўрсатишича, тижорат банклари барқарорлигини сақлашда ташқи ва ички аудит катта аҳамият касб этади. Марказий банкнинг ички ва ташқи аудитни кучайтиришга нисбатан қўяётган қатъий талаблари назорат органлари ва молия-кредит муассасаларининг ўз зиммаларига юкланаётган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажаришига шароит яратмоқда.

Ички ва ташқи аудитдан кутилган асосий мақсад илгарироқ таъкидлаганидек, кўп жиҳатдан ўхшаш бўлиб, назорат қилиб боришдан иборат. Бироқ улар ўртасида муайян фарқлар ҳам борки, бу аудитор ҳарактерига боғлиқ. Ташқи аудит ҳисобот тизимини баҳолаш, банкнинг актив ва пасивларини баҳолаш ва текшириш, мавжуд ички назорат тизимини тестдан ўтказишдан иборат. Ташқи аудит текширилаяётган банкнинг тақдим этган ҳисоботи ва баланслари ҳақиқатга тўғри келадими ёки йўқми, унинг молиявий аҳволи ва муайян даврдаги фаолияти натижаларини баҳолашдан иборат. Четдан таклиф этилган, мустақил аудиторлик фирмалари томонидан тайёрланган хулосалар юқори ташкилотларга, акциядорлар, кредиторлар ва ҳоказоларга мўлжалланади ва ундан ички аудиторлар ҳам фойдаланади.

Ички аудит ташқи аудитга нисбатан белгиланиши ва ташкил этилишига қараб, бошқача характерга, мазмунга эга бўлади. Ички аудит банк доирасида мустақил бўлинма сифатида банк фаолиятининг ҳар кунги фаолиятини текширувдан ўтказиб боради. Умум томонидан қабул қилинган қоидаларга кўра, ички аудит банкнинг ўз мажбуриятларини самарали бажаришга хизмат қилади, яъни биринчи навбатда муаммоларнинг эндиgina вужудга келаяётган даврида аниқлашга йўналтирилган бўлади. Ички аудит бошқарув куроли, банк операцияларини ички кучлар ёрдамида жуда яқиндан кузатиш имконияти бўлиб, бошқарув мақсадига эришиш кафолатидир. Бунинг учун ички аудит хизмати бошқарувни бажарилган анализ натижалари ҳақидаги ахборот билан таъминлаб, бўлинмалар фаолиятини, ҳар хил йўриқларни таҳлил этиб, уларга юзага чиқаяётган муаммоларни бартараф қилиш бўйича тавсиялар бериб боради. Ички аудит хизмати ходимлари ташқи аудиторлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Ички аудит натижалари банк раҳбарлари томонидан амалдаги қонунлар доирасида мавжуд ресурсларни ҳисобга олган ҳолда жорий ишларни бошқаришда фойдаланилади. Шу тариқа ички аудит ташкилотнинг ўз мақсадига эришиши учун хизмат қилади. Банк фаолиятининг ички аудит вазифалари юқорида саналганлардан фарқ қилмайди, аммо банк фаолиятининг хусусиятлари, банк маҳсулотлари, бухгалтерия ҳисоби, ишни ташкил этиш



жараёни, таваккалчилик омилларининг кўплиги билан ўзгача хусусиятга эгадир.

Ички аудит жараёнида топшириқларнинг бажарилиши турли-туман бўлиб, унинг мақсади ва ташкилот фаолияти ҳаракатига боғлиқдир. Қўйилган вазифаларни ҳар хил мезонларга суянган ҳолда турли йўللار, ҳар хил теранлик ва деталлар билан ечиш мумкин. Бунда стандартлар катта ўрин тутди.

Аудит хизматлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари, банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ҳамда ўз низомлари асосида олиб боради.

Аудит хизмати, бугунги кунда, айтиш мумкинки, тижорат банки ва унинг барча филиаллари ва бошқа таркибий тўзилмалари фаолиятини аудитдан ўтказиш орқали Банк кенгашига банк фаолияти истикболлари ва мақсадларига эришишда ҳақиқий кўмакчи бўлмоқда. Аудит хизмати мустақил таркибий тўзилма бўлгани билан ўз фаолиятини банкнинг бошқа мустақил бошқармалари билан ҳамкорликда олиб боради. Аудит хизмати бевосита Банк кенгаши ва унинг аудиторлик қўмитасига бўйсунди. Аудит хизматининг таркибий тўзилиши ва штат бирлигини ҳам Банк Кенгаши тасдиқлайди.

Бош аудитор (аудит хизмати раҳбари) Банк кенгаши қарори билан тайинланади ва ўз лавозимидан озод этилади. Аудит хизматининг бошқа ходимлари Банк кенгаши раиси томонидан бош аудитор тавсиясига асосан тасдиқланади. Аудит хизмати Банк кенгаши томонидан тасдиқланган ҳаражатлар сметасига эга бўлади. Ҳаражатлар сметаси ҳар йили бош аудитор томонидан ишлаб чиқилади ва Банк кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади. Фақат Банк кенгаши аудит хизматининг ҳаражатлар сметасига ўзгартириш киритиш мутлақ ҳуқуқига эга. Аудит хизмати ходимларининг иш ҳақлари Банк кенгаши томонидан ўрнатилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. З.Т.Маматов ”Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истикболлари” – Тошкент. ТМИ, 2004 й.
2. “Auditorlik faoliyati to’g’risida”gi O’RQ-677-sonli qonuni
3. “Moliyaviy hisobotlar auditini rejalashtirish” nomli 300-sonli auditning xalqaro standarti
4. “Audit and Assurance”, F8 textbook 2022
5. K. Ahmadjonov, I. Yakubov. Audit asoslari fanidan darslik. “Iqtisod-moliya” nashriyoti. 2010-yil
6. N.Sanayev, R.Narziyev. Audit fani darslik. “Sharq” nashriyoti-matbaa ijodiy uyi. 2001-yil